

Май.
Ой мавзуси: Асбоблар ва анжомлар

Гуруҳ		катта гуруҳ (номи)					
Мавзу		"МАИШҲИЙ БУҶОМЛАР БИЗНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИМИЗ"					
Оралик		4 ҳафта					
Ривожлантириш соҳаси бўйича мақсад	Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	2 ёки 3 гилдиракли велосипеда тугри, муъйишлар билан, айлана килич, илонсимон усулда ҳайдашга ургатиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш	Меҳнат фаолиятида уртоғига ёрдам бериш, уртоғининг ютуқлари билан қувониш бошқаларнинг меҳнат натижаларига ҳурмат билан қараш каби сифатларни шакллантириш.					
	Нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш	Болаларни ҳикоя тузаётганда сифатни отга , сифатни феълга тугри боғлашларини ургатиш					
	Билиш жараёни	10 сони ичида математик амалларни бажара олади					
	Ижодий ривожлантириш	Қайчи билан мустақил ишлаш, катталар ёрдамида ижодий фаолиятда фаол иштирок этиш					
Ривожлантириш марказлари		Таълим-тарбиявий фаолият					
		душанба	сешанба	чоршанба	пайшанба	жума	Ресурслар
Мустақил таълим фаолияти	Қуриш-яшаш ва математика маркази	Ташландик материаллардан телефон		Холодильник , газплита			Гугурт қути ,ип лёго , қурилиш блоклари
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва дамалаш маркази	Почта, телефон		кафе			Сюжетли-роллиўйинлар учун жамланма..
	Нутқ ва савод	Мен дадамга ёрдамчи (ҳикоя тузиш)		Маиший анжомларни ажрат			Сюжетли расмлар, расмчи карточкалар
	Фан ва табиат маркази	Сувнинг хусусиятлар		Градусник ҳақида суҳбат уларнинг турлари			Термометрлар, тажриба ун жиҳозлар. сандикча
	Санъат маркази	дазмол		компютер			Тасвирий фаолият учун анжомлар пластилин
	Катта гуруҳларда машғулотлар						

МАЙ 4 ХАФТАСИ

«МАИШИЙ БУЮМЛАР – БИЗНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИМИЗ»

Қуриши - ясаи, математика маркази

«телкфон»

Мақсад: турли ҳажмдаги қуттилардан истаган маиший техникасини ясайди. Чизиқлардан қирқиб ортиқчасини олиб ташлаб, кўрсатмаларга қатъий амал қилган холда схема билан ишлай олади.

Керакли жиҳоз ва материаллар:мавзули расмлар, турли ҳажмдаги каробкалар,қайчи, елим, кисточкалар, фломастерлар, ип.

Фаолиятнинг бориши:

Мавзули расмларни томоша қилиш.

Бола қандай телефон йиғишини танлайди.

Боланинг самарали фаолияти.

Қўшимча қисм: болаар биргаликда ишлашни амалга оширишади.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг конструктив қобилиятларнинг ривожлантириши, схемалар билан ишлай олиши,қоғозни, елимни, кисточкаларни тўғри ишлата олиши.

Қуриши-ясаи математика маркази

«холодильник»

Мақсад:коробкалардан холодильник ясайди;

Керакли жиҳоз ва материаллар:турли ҳажмдаги коробкалар, оқ қоғоз, фломастерлар, наклеикалар.

Фаолиятнинг бориши:

холодильник тасвирланган расмларни томоша қилиш.

Лойихани ясаш.

Қўшимча қисм:болалар хлодильник нимага ишлатилиши ва уларнинг қандай турларини билишини айтиб беришади.

Эътиборга молик жиҳати:болаларнинг конструктив қобилиятларни ривожлантириш, ўз ғоясини ишда қўллай билиш, ишга ижодий ёндошиши.

Сюжетли - ролли ўйинлар ва драматизациялаш маркази

«почта» сюжетли-ролли ўйин (маиший ёрдамчиларни қўллаган холда)

Мақсад: ўйлаб топилган сюжет учун мустақил шароит ярата олади, атрибутларни

жойида ишлата олади, улар бўлмаган тақдирда мос равишда ўрнини алмаштира олади,хайрихоҳлик хислатларини намоён этади, жамоада ўйнайди,тенгқурлари билан осон мулоқотга киришади.

Керакли жиҳоз ва материаллар:қўғирчоқлар, ўйинчоқ майиший техника,

Фаолиятнинг бориши:

1.Ролларни ва вазифаларни тақсимлайди

2.болалар мустақил ўйнашади, тарбиячи кузатувчи ролида бўлади. Ўйин давомида тарбиячи бирор-бир насихат ёки таклиф беради. Агар ўйинда муаммоли вазият вужудга келса, сюжетнинг янгича ўйналишини таклиф этади ёки ўйинга янги ўйинчоқ-персонаж киритади.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий таффақурини ривожланиши, болалар аро жамоавий муносабатлар жараёни.

Сюжетли- ролли ўйинлар ва драматизациялаш маркази «Музқаймоқ кафеси»

Мақсад: кафе ишчиларининг меҳнатини ижодий тасвирлаш, ўйланган сюжетга мустақил равишда мос вазият вужудга келтира олади, ўйинда лаёқат билдиради. Жамоада ўйнашни билади, тенгқурлари билан осон мулоқотга киришади. Атрибутлардан мақсадли фойдаланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар:«Музқаймоқ» расми, турли хил музқаймоқларни суратлари, музқаймоқ тайёрлаш учун керакли атрибутлар, ўйинчоқли пуллар, зурур идиш – товоқлар, столча билан стулчалар.

Фаолиятнинг бориши:

Болалар ролларни тақсимлашади.

Сюжтнинг ўйналиши.

Қўшимча қисм: болалар роллари билан алмашиши мумкин; музқаймоқнинг турли хиллари жамланган менюни тайёрлаш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тасаввурларини шаклланиши, ўрин алмашайдиган ўйинчоқлардан фойдаланиш, тўғри нутқни шакллантириш.

«Нутқ ва саводхонлик» маркази

Мен дадамга ёрдамчи

Мақсад: маиший анжомлар ва уларнинг вазифаларини билади. Электрон анжомлар амнинг кундалик ҳаётидаги ёрдамчилари эканлигини, улардан нотўғри фойдаланса ҳаёт учун хавфли эканлигини англайди. Уйда ота онаси маиший техника воситаларидан қандай фойдаланиши, бу вақтда у дадасига қандай ёрдам бериши ҳақида айтиб беради.

Керакли жиҳоз ва материаллар:мавзули карточкалар, маиший анжомлар чегаралари тасвирланган карточкалар, маиший анжомлар номлари ёзилган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

Болалар маиший анжомлар тасвирланган расмларни кўриб чиқишади, номларни ҳамда нима учун ишлатилишини айтишади.

Карточкаларда чегарасини белгилашади ва номланишини аниқлашади.

Номлари келтирилган карточкалар билан расмларни таққослашади.

Кўшимча қисм: карточкаларда бўлмаган маиший анжомларни келтириб ўтишади ва нима мақсадда ишлатилишини айтишади.

Эътиборга молик жиҳати: ишлатилишига қараб маиший анжомларни фарқлаш, гапни тўғри тузишни ўрганиш.

«Нутқ ва саводхонлик» маркази

«Маиший анжомларни ажрат» (музлатадиган ва иситадиган)

Мақсад: маиший анжомлар ва уларнинг вазифаларини билади. Электрон анжомлар одамнинг кундалик ҳаётидаги ёрдамчилари эканлигини, улардан нотўғри фойдаланса ҳаёт учун хавфли эканлигини англайди. Иситадиан ва совутадианга ажратади.

Керакли жиҳоз ва материаллар:маиший техника тасвирланган суратлар, (холодильник, музлатгич, музқаймоқ тайёрлайдиган ускуна, микротўлқинли печь, нонпечка, соч қурутгич).

Фаолиятнинг бориши.

Тарбиячининг асбобларни иккита катта совутадиан ва иситадиан гуруҳларга бўлиш мумкинлиги ҳақидаги кириш сўзи.

Болалар маиший анжомлартасвирланган расмларни классифиция қилишади ҳамда тушунтириб беришади.

Уйда қандай анжомлар ишлатишлари тўғрисида айтиб беришади.

Кўшимча қисм: агар билишса расмда кўрстилмаган маиший анжомларнинг номларни айтиб беришади.

Эътиборга молик жиҳати: шахсий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳикоя туза олиши, боланинг мантикий нутқи.

Фан ва табиат маркази

Мақсад: магнитнинг хусусиятларни билади, билиш жараёнига оид масалаларни ечади ва хулоса қилади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли катталиқдаги магнитлар, металл, ёғоч ва пластмасали предметлар.

Фаолиятнинг бориши:

Фан ва табиат маркази

Сувнинг хусусияти

Мақсад: сувнинг қуринишини ва хусусиятини билади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тоза сув билан идиш, бир марталик стаканчалар, муз бўлаклари, бўш идиш.

Фаолиятнинг бориши:

Болалар марказ вазифалари билан танишади. Сувнинг хусусиятларини аниқлаш.

Хар бир бола камроқ сув ажратиб, таътийди ва хулоса қилади. Шаффофлиги, таъми.

Муз бўлақчаларини томоша қилади. Ликопчага солиб тоқчага қўяди. Муз қуёш нурлари остида эришини кузатишади. Сувга айланади.

Қўшимча қисм: тарбиячи ёрдамида сувнинг парга айланиш тажрибасини ўтказиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда билиш жараёнини фаоллаштириш хулоса чиқаришни билиш, ОБЖ.

Фан ва табиат маркази

Градусник ҳақида суҳбат уларнинг турлари

Мақсад: термометрнинг қуринишини ва хусусиятини билади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳаво ҳароратини ва инсон иссиқлик ҳароратини, улчайдиган термометр

Фаолиятнинг бориши:

Болалар марказ вазифалари билан танишади. Термометрларнинг вазифалари билан танишади.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда билиш жараёнини фаоллаштириш хулоса чиқаришни билиш, ОБЖ.

Санъат маркази

Расм чизиш «дазмол»

Мақсад: расм чизиш учун мустақил материал танлайди, расмни берилишига қараб варақда тасвирни жойлаштиришда композиция ўйлайди ва бажаради. Предметларни тегишли катталигини тасвирлаб идиш чизади. Чегарасини қора қаламда чизиб рангли қаламлар ёки бўёқлар ёрдамида бўяш усулини қўллайди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А4 форматида оқ қоғоз, қора ва рангли қаламлар, бўёқлар, кисточкалар, сув учун стаканча, компьютер тасвирланган расм.

Фаолиятнинг бориши:

Болалар мавзуга доир расм томоша қилади.

Кандай дазмол чизишни танлашади: одатийёки келажак дазмолини ўйлашлари мумкин.

Болларнинг фаол харати.

Қўшимча қисм: инсон ҳаётида дазмолнинг ўрни ҳақида ҳикоя қилади.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий таффақурини ривожланишига расм чизиш техноғиясини мустаҳкамланишига.

Санъат маркази

Расм чизиш «Компьютер»

Мақсад: расм чизиш учун мустақил материал танлайди, расмни берилишига қараб варақда тасвирни жойлаштиришда композиция ўйлайди ва бажаради. Предметларни тегишли катталигини тасвирлаб идиш чизади. Чегарасини қора қаламда чизиб рангли қаламлар ёки бўёқлар ёрдамида бўяш усулини қўллайди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А4 форматида оқ қоғоз, қора ва рангли қаламлар, бўёқлар, кисточкалар, сув учун стаканча, компьютер тасвирланган расм.

Фаолиятнинг бориши:

Болалар мавзуга доир расм томоша қилади.

Кандай компьютер чизишни танлашади: одатийёки келажак компютерини ўйлашлари мумкин.

Болларнинг фаол харати.

Қўшимча қисм: инсон ҳаётида компютернинг ўрни ҳақида ҳикоя қилади.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий таффақурини ривожланишига расм чизиш техноғиясини мустаҳкамланишига.